



Хабар

O'ZBEKISTON POCHTA VA TELEKOMMUNIKATSIYALAR AGENTLIGI NASHRI

1992 yil martdan chiqa boshlagan

2001 yil, 14 dekabr № 50 (483)

Sotuvda narxi erkin

РАМАЗОН ҲАЙИТИНИҒ МУБОРАК БЎАСИН!



"Тошкент телеграф-телефон станцияси" ахборот-маълумот хизмати катта оператори Мунира КУЛИМЕТОВА хизматидан абонентлар мамнун.

Т. ЛУТФУЛЛАЕВ олган сурат

ҚИШЛОҚДА МАЪНАВИЯТ ЗИЁСИ

Республикада матбуот нашрларига обуна мавсуми ҳал қилувчи паллага кирди. Андижон тумани, Ҳакан қишлоғида 2002 йил учун обуна декабр бошида 1 миллион 200 минг сўмдан ортиб кетди. Бу ўтган йилга нисбатан 400-500 минг сўмга кўп демакдир. Алоқачиларнинг ягона наشري бўлган "Хабар" газетаси учун обуна ҳам кўнгилдагидай бормоқда. Айниқса, ушбу газетга алоқачи бўлмаган муштарийларнинг ҳам ёзилаётгани қувонарли ҳолдир. — "Хабар" газетасининг мазмун-мундарижаси, сифати яхшиланиб бормоқда, — дейди Маматисмоил Аҳмедов. — Газетада алоқа соҳасига тегишли материаллар билан бир қаторда "Турмуш чорраҳаларида", "Маънавият ва маърифат", "Бу-қизик!" ва бошқа руқиялар остида чоп этилаётган мақолаларни муштарийлар қизиқиб

ўқшади. Шу ўринда айрим муаммолар ҳам йўқ эмас. Почтачилар сони қисқартирилиши натижасида "Тумбаз" бўлими бўйича даврий нашрлар ҳамда миллионлаб пенсия пулларини почтачи М. Аҳмедовнинг яқка ўзи тарқатади. Аввалги жамоа ҳўжаллиги далаларининг томорқаларга тақсимланиб, янги маҳаллалар пайдо бўлганини ҳисобга олсак, бу юмуш бир ходимга оғирлик қилади. Бунинг устига маҳалла кўчаларига ҳали асфальт ётқизилмаган, расмий номланмаган ҳам. Қанийди, мутасалли раҳбарлар бу каби ечимини қутаётган масалаларни тезроқ ҳал қилсалар почтачиларининг оғири енгил бўларди. Энг муҳими, хонадонларга маънавият зиёси — матбуот нашрларининг кириб бориши тезлашар эди.

Жамоатчи мухбиримиз

Обуна — 2002

"ХАВАР" ГА ОБУНА БЎЛИНГ!

ЎРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!

Агар Сиз "Хабар"га яна обуна бўлсангиз, алоқа соҳасидаги жамики янгиликлар, муаммолар ва диққатга сазовор масалалардан ўз вақтида хабардор бўлиб борасиз.

"Хабар" газетасига 2002 йил учун обуна давом этмоқда. Газетамизга барча алоқа бўлимларида ва газета дўконларида обуна бўлиш мумкин.

Нашр кўрсаткичи:

Яқка тартибдаги обунанилар учун — 227.

Ташкилотлар учун — 228.

"Хабар" газетаси ҳар ҳафтанинг муборак жума куни хонадонингизга кириб боришини истасангиз, тезроқ обуна бўлишга шошилинг!

ДАВЛАТ АЛОҚА ИНСПЕКЦИЯСИНИНГ 10 ОЙЛИК ЯҚУНЛАРИ БЎЙИЧА КЕНГАЙТИРИЛГАН КЕНГАШ БЎЛИБ ЎТДИ. УНИ ДАВЛАТ АЛОҚА ИНСПЕКЦИЯСИ БОШЛИГИ Ф. ЗИЁЕВ ОЛИБ БОРДИ.

Йиғилишда Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги Бош директорининг ўринбосари А. Избосаров иштирок этди ва маъруза қилди. Маърузачи Давлат алоқа инспекцияси замон талабидан келиб чиққан ҳолда фаолиятини тубдан ўзгартириши кераклиги, почта ва телекоммуникациялар соҳасида йўл қўйилаётган нуқсонларга барҳам бериш, сифат кўрсаткичларини кескин ошириш ҳақида фикр

юритди. Ушбу вазифаларни бажариш учун зарур бўлган долзарб йўналишларни кўрсатиб ўтди.

Шунингдек, кенгашда Телекоммуникациялар бўлими бошлиғи С. Авғанбоев, Почта бўлими бошлиғи А. Маннопова, Маълумотлар хавфсизлигини таъминлаш ва махсус ишлар бўлими бошлиғи М. Мамажонов, Санкция ва шикоятлар мутахассиси Н. Сапроноваларнинг ҳамда ўтган ҳисобот даврида бажарилган ишлар бўйи-

ча Давлат алоқа инспекцияси вилоят бўлинулари бошлиқларининг ҳисоботлари тинланди.

Йиғилишнинг иккинчи кунинда Давлат алоқа инспекциясининг 2002 йилда ўтказиладиган текширувлар режаси, Инспекция ишини такомиллаштиришга қаратилган масалалар юзасидан муҳокамалар бўлди.

Кенгашда кўрилган масалалар бўйича тегишли қарор қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз

ДАВЛАТ АЛОҚА ИНСПЕКЦИЯСИДА

ТИНЧЛИГИМИЗГА ШУБҲА ЙЎҚ...

Ўҳуд "Сурхондарё Телеком" шўъба корхонасининг Термиз шаҳар филиали томонидан "Сурхон" меҳмонхонасида очилган алоқа хизмати шаҳобчаси орқали юртимиз тинчлиги ҳақидаги хабарлар бутун дунё бўйлаб тарқатилётгани ҳақида.

Россиянинг "ТВ-6" канали тарқатган уйдирма хабарлардан сўнг қалимий Термиз шаҳрига жаҳоннинг 40 га яқин мамлакатларидан журналистлар ташриф буюриши. Хорижлик ҳамкасблар "Сурхон" меҳмонхонасига жойлашган, бу манзилда зуллик билан халқро сўзлашув шаҳобчаси ўз фаолиятини бошлади. Янги бўлимга Шерхон Эшпўлатов, Икром Даминов ва Даврон Улашев каби ёш, малакали мутахассислар беркиптиди.

"ТВ-6" канали бўҳтонига зарба берадиган илк хабарни мексикалик тележурналист аёл Андриана Валаскас ўз юртига узатди. Унда террорчиликка қарши уруш Амурдарё ортда бораётганлиги, Ўзбекистоннинг жанубий чегара сарҳадларида олдлаги осойишталик ҳўкм сураётганлиги рўй-рост эфирроф этилди.

— Афғонистондаги уруш бу юртига қора қўланқасини солмаганлигини, одамларнинг кайфияти яхшиланиши ўз кўзим билан кўриб турибман, — деди хабарда А. Валаскас. — Насиб этса бу тинч, осуда ҳаёт ҳақидаги кўрсатувиمنى кўриб, гапларимга ишонч ҳосил қиласизлар.

Навбатчи муҳандис Шерхон Эшпўлатов галдаги чет эллик журналистни дақиқа ичида Нью-Йорк би-

лан боғлади. Журналист юртимизда тинчлик барқарорлигини, фаровон турмушни, тарқатилган бозои хабарлар сафатидан бошқа ҳеч нарса эмаслигини бир ҳаётий мисол асосида изоҳлаб берди:

— Кеча биз бир неча хорижлик ҳамкасбларимиз билан ўзбек тўйида иштирок этдик. Мангузар маҳалласидаги Маматқўловлар хонадонига ташриф буюрганлар келин-куёвнинг қувончларига шерик бўлишди. Биз ўзбек миллий анъаналари, урф-одатларидан баҳра олдик...

Бундай хушхабарлар Франция, Испания, Германия, Япония, Россия ва бошқа мамлакатларга ҳам ўз вақтида репортаж тарзида узатилди. Минг бора эшиттандан кўра, бир марта кўрган афзал эканлиги яна бир қарра исботланди.

— Кўчма шаҳобчамиз хизматидан нафақат хорижий журналистлар балки "Қизил хоч" халқро жамяти, ЮНИСЕФ ваколатхонаси ҳамда ЮСАНД халқро ривожланиш агентлиги ходимлари ҳам кенг фойдаланишмоқда, — дейди Шерхон Эшпўлатов. — Улар ўзларига шундай имконият яратиб қўйилганидан мамнун бўлишмоқда. Ўз навбатда биз алоқа ходимлари ҳам муомалани жойига қўйиб, билдирилган ишонча яраша

хизмат кўрсатишга ҳаракат қиляпмиз.

Дарҳақиқат, мустақиллик шарофати билан жаҳон андозаси даражасида хизмат кўрсатиш имкониятлари яратилган, миқозларга дунёнинг исталган манзили бир қадам бўлди. Энг муҳими, хорижликлар алоқа сифатидан, хоҳлаган манзили билан тез ва соз уланаётганидан хурсанд. Гап шундаки, бу хизмат кечаю-қундуз, узлуксиз олиб боришмоқда. Чунки бизнинг тунги соатимизда океан орти мамлакатларида қундузги пайт бўлади.

Испан журналисти, жаноб Хорхей турли мамлакатлардан келтирилётган инсонларнинг ёрдамларини Афғонистонга ўтказишда Термиз дарё бандагўҳилан фойдаланилаётганлигини Интернет орқали "иссиги"да хабар қиля олиш.

Ҳа, "Сурхон" меҳмонхонасида фаолият кўрсатаётган алоқа шаҳобчаси ўзининг муборак 2500 йиллик юбилейи арафасида турган Термизнинг бутун дунё билан боғланишида ўзига хос кўприк вазифасини бажармоқда. У қарийб 1,5 ой мобайнида 1,5 миллион сўмлик хизмат кўрсатди. Энг муҳими, ҳаво тўлқинида жо-нажон Впаганимиз тинчлиги, сарҳадларимиз осойишталиги ҳақидаги хабарлар оқими тўхтамайтти.

Нортоғки ЗИЁЕВ,
жамоатчи мухбиримиз

ФОЙДАЛИ АНЖУМАН

«COSCOM» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси мамлакатимиздаги пешқадам компаниялардан биридир. Компанияда матбуот ходимлари билан анжуман ўтказиш ананага айланиб бормоқда.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «COSCOM» қўшма корхонаси иштирокида

оммавий ахборот воситалари вакиллари билан матбуот анжумани бўлиб ўтди. Йиғилишда корхона бош директори А. Степанов йиғилганларга компаниянинг янги ривожланиш босқичи ҳақида маълумот берди, республика бўйлаб мобил тармоғининг юқори даражадаги техникавий салоҳиятини ку-

чайтириш, хизмат даражасини ошириш, янги тариф сиёсати ва бошқа масалалар хусусида сўз юритди.

Йиғилишда журналистларни қизиқтирган кўплаб саволларга жавоблар берилди.

Ўз мухбиримиз

Бугунги кунда ҳаётимизни телефон алоқасиз тасаввур қилолмаймиз. Эндиликда турли-туман, каттаю кичик, солдаю бежиримтл аппаратлари хонадонимизда, корхона ва ташкилот идораларида ҳаётини эҳтиёжидан айланган. Уларнинг нечоғли барқарор ва сифатли ишлаши эса алоқа ходимларининг ўз касбага меҳр-муҳаббатига, юксак маҳорати ҳамда масъулиятига боғлиқ. "Навоий Телеком" акциядорлик жамиятида буни теран англаган ҳолда, сидқиқилан меҳнат қилаётган тажрибали алоқачилар бор. Шулардан бири вилоят марказидаги 3-автомат телефон станцияси кабелчи-кавшарловчиси Искандар Гумеровдир.

— Алоқа соҳасида ишлаётганимга ўттиз йил бўлди, — дейди биз билан суҳбатда Искандар Зиганаро

• Орамиздаги одамлар

ли телефон алоқа хизматини таъминлашда, халқаро андозалар даражасидаги энг замонавий алоқа ускуна ва жиҳозларини монтаж қилишда сидқиқилан меҳнат қилди. Бундан уч йил муқаллам И. Гумеров каби фидойи алоқачиларнинг гайрат-шижоати, фидойилиги туфайли Япониянинг ўн минг абонента мулкдорлардан рақамли АТСи икки ҳафтадэк монтаж қилиниб, ишга туширилди. Мижозлар учун катта қулайликлар яратилди. Шу кунларда И. Гумеров шахар кўрғониданги автомат телефон станциясида ҳам худди шундай алоқа воситасини монтаж қилишда иштирок этипти. Тармоқда эндигина

КОРХОНА ФАХРИ

вич. — 1970-1972 йилларда ҳарбий хизматни ҳайдовчи — алоқа оператори сифатида ўтадим. Хизматдан қайтган, Тошкент "Махсус алоқа монтаж" корхонасининг Навоийдаги бўлимига кабелчи-кавшарловчи бўлиб ишга кирдим. Кўпга санноат корхоналари ва кўп қаватли бинолардаги аҳоли хонадонларига телефон линиялари ўтказиш, монтаж қилиш ишида қатнашдим. Мана, ўн йилдирки шахар алоқа корхонасида ишлаб келяман.

Бир қарашда кишининг меҳнат фаолияти ўнлаб, юзлаб касбдошлариникидан фарқ қилмайдигандек, оддийгина туюлади. Кабелчи-кавшарловчи меҳнатининг нақадар мураккаб, ноҳик ва масъулияти эканлигини, у ўз соҳибидан нечоғлиқ билим, маҳорат, тажриба ҳамда кўникма талаб этишини ҳамма ҳам билвермайди. Ушбу кўникмаларнинг барчаси Искандар Гумеровда мужассам. Шунинг учун ҳам у Навоий кон-металлургия комбинати, Навоий азот ишлаб чиқариш бирлашмаси, "Кизилкумбент" акциядорлик жамияти, "Электрим" заводи каби улкан санноат корхоналарида, аҳоли хонадонларида сифат

иш бошлаган ёш ҳамкасбларига тажриба ва билим сирларини эримай ўргатиб келмоқда.

Искандар аканинг касбията бўлган эътиқодидан турмуш ўртоғи Ваниля Гумерова ҳам ўрнак олди. Натига "Навоий Телеком" АЖда барча ҳавас қилаётган алоқачилар оиласи шаклланди.

— Дастлаб шахар почта алоқа корхонасида шогирд — оператор сифатида иш бошладим, — дейди Ваниля опа. — Кейинчалик оператор, участка бошлиғи вазифаларида ишладим. Телефон алоқасига меҳр қўйиб, 1994 йилда шу ерга электромонтёр сифатида ишга ўтдим. Айни пайтда катта электромеханик вазифасида ишлаётган. Бевосита кроссдаги ҳамда йўналишларига электромонтёрлар ва кабелчиларнинг ишини ташкил қилишга масъулман. Турмуш ўртоғим эса бу бордада устозим ва энг яқин маслаҳаттўйимдир.

"Навоий Телеком" АЖда шундай фидойи алоқачилар бор экан, корхонанинг иш натижалари тобора яхшиланиб, ютуқлар кўпайиб боришига ишонч ҳосил қилдик.

Олим ХҲЖАЕВ

АЛОҚАЧИДАН ХУШМУОМАЛАЛИК ТАЛАБ ҚИЛИНАДИ

— дейди Самарқанд шахар ва шахарлараро телефон-телеграф станцияси биринчи тоифали телефон-алоқачиси Адолат Тўхтамуродова.

Адолат опа билан суҳбатлашиш учун шахарлараро сўзлашув бўлимига борганимда у ерда иш қайноқ кетаётганлигининг гувоҳи бўлдим. Мени ёши эллиқлар атрофида, қорачанд келган, ўрта бўйли, истараси иссиқ аёл қарши олди. Опа билан телефонда суҳбатлашганимда уни 35-40 ёшлардаги аёл деб ўйлагандим. Чунки телефонда бу аёлнинг овози ҳамшиша тиниқ ва ширали, ўқтам ва жарангдор эшитиларди.

— Инсон умрини бежиз оқар сувга менгашмас экан, — дея гап бошлади Адолат опа. — Мана, ушбу соҳада ишлаётганимга ҳам салкам ўттиз беш йил бўлиб қолибди. Илк ишга келганим кечагидек ёдимда. Мактабни эндигина битирган, ўн етти яшар, гўр кизалоқ эдим, Аввалига, ишхонадаги югур-югурлар, ғала-ғовурлар, турли аппаратларни қўриб, ваҳима босди. Ушанда кўникиб кетишимга ишонмагандим. Хатто буюмимга бу ерда ишлаш олмаслигини айтгандим. Аммо буювим "Болам, дароҳат бир ерда кўкаради, сабр қилиб ишласанг, барчаси кўниладигидек бўлади. Инсоннинг қўлидан келмайдиган иш йўқ", деб насихат қилгандилар.

Бугун буюмимнинг нақадар ҳақ эканлиқларини ҳаётнинг ўзи исботлаб турибди.

— Адолат опа, илк ишга келган пайтларингизда сизга йўл кўрсатган устозларингизни эслай оласизми?

— Бўлмасми-чи, барчаси худди кечагидек хотирамга муҳрланиб қолган. 1967 йили шахарлараро сўзлашув бўлимига ишга келганимда Надежда Судореева де-

ган аёл ишлар экан. Дастлаб аппаратлар билан ишлаш, тўғридан-тўғри алоқага чиқиш сирларини шу Нада опадан ўрганганман. Одамлар билан муомала қилиш, уларга тез ва сифатли хизмат кўрсатишда эса менга Лариса Кочеранова катта ибрат бўлган. Мен улардан бир умрга миннатдорман.

— Ушбу соҳада узоқ йилдан буюн ишлаб келаётган экансиз. Айтингчи, телефон алоқачисининг хизматини баҳолайдиган асосий мезон нимадан иборат?

— Авваламбор, бизнинг соҳада тезкорлик ва аниқлик асосий мезон ҳисобланади. Қолаверса, тўғридан-тўғри алоқага киришимиз боис, доим хушёр ва сергак туришимиз лозим. Аммо энг асосийси — ҳар қандай шариоҳатда биздан мижозларга нисбатан ширинсузлик ва хушмуомалалик талаб қилинади.

Баъзида телефон-алоқачиси бўлиш учун артистлик ҳам талаб қилинади. Чунки, биз ҳам инсонмиз, кайфиятимиз гоҳ кўтаринки, гоҳ тушкун бўлади. Аммо аппаратлар ёнига ўтирдигини, руҳий ҳолатингиздан қатъий назар, ўзингизнинг муаммоларингиз, ўй-хавлларингиздан маълум мuddатга воз кечишингиз лозим. Ҳолатингиз тушкунлиги хатто овозингиздан ҳам зинҳор сезилмаслиги шарт. Негаки, биз юзлаб кишилар билан мулоқотда бўламиз, улар оғирини енгил, узогини яқин қиламиз. Бу жараёнда мижозлар кайфиятига салбий таъсир кўрсатишга асло ҳақимиз йўқ.

— Адолат опа, соҳагизда мустақиллик йилларидан кей-

• Ўз касбининг фидойилари

ин рўй берган ўзгаришларга ҳам икки оғиз тўхталсангиз.

— Мустақилликка эришганимиздан сўнг барча соҳалар каби бизда ҳам катта ўзгаришлар, янгиланишлар содир бўлди. Энг аввало, қўл меҳнатидан батамом техника хизматида ўтиларди. Ривожланган мамлакатлар билан ўрнатилган ҳамкорлик туфайли тизимимиз жаҳон андозаларига мос техник воситалар билан жиҳозланди. Барча ишлар компьютерлаштирилгани боис меҳнатимиз бир неча марта осонлашди. Бир замонлар чет эл у ёқда турсин, республикаимизнинг чеккароҳ худудлари билан боғлиниш учун ҳам анчагина кутиш лозим эди. Эндиликда замонавий алоқа воситалари ёрдамида дунёнинг хоҳлаган бурчаги билан тўғридан-тўғри боғлиниш имконияти пайдо бўлди. Ютуқлардан бири эса алоқанинг узилишларисиз, аниқ ва тиниқ амалга оширилаётганлигидир.

— Касбингизда қўнқасизми?

— Агарда касбимдан қўнқмаганимда нафақага чиққанимдан сўнг ўз хоҳишим билан фаолиятимни давом эттирганга бўлардим. Тўғриси, ҳаётимни шу оддий, аммо масъулиятли касбим тасаввур қилолмайман. Кайфиятим қанчалик ёмон бўлмасин, аппарат ёнига ўтириб, гўшакдан кимнингдир қаеридир улаш тўғрисидаги илтимосини эшитишим билан, ишдан бошка барчасини унутаман. Мижозимнинг илтимосини қўнғилдигидек адо этганимга енгил тин оламан.

— Адолат опа, замунли суҳбатингиз учун ташаккур. Машаққатли аммо мароқли юмунингизда омад сизга ёр бўлсин.

Зебо ХУДОЁРОВА суҳбатлашди

“Электралоқа таъминот”
акциядорлик жамияти жамоаси алоқа соҳасида меҳнат қилаётган барга ишчи-ҳодимларни Рамазон Ҳайити байрами билан самимий муборакбод этади. Ҳар бир хонадонга тинчлик, хотиржамлик, рўшномлик ҳамда кўп-баракат тилайди.

“ЭЛЕКТРАЛОҚА ТАЪМИНОТ”
акциядорлик жамияти барча алоқа корхоналари, ташкилотлар ҳамда хоҳловчиларга куйидаги алоқа ашёларини таклиф этади:

- Дизлектр тўшамалари;
- Махсус дизлектр оёқ кийимлари ва қўлқоплари;
- Монтёрлик индикаторлари;
- ТПП телефон кабелли, симлар;
- Турли телефон аппаратлари;
- Асбоблар;
- ВК-9 елим;
- Универсал монтёрлик коғтилари;
- Монтёрлик коғти лазлари;
- Электр пайвандлагичлари;
- Кабел қутилари;
- ПУ-10 сўзлашув қурилмалари;
- ШРЗ-60 м. Шит;
- БКТ бокслари;
- КРТ-10х2 телефон қутилари;
- Матоҳ полотнолари;
- Ҳалин жун одеялари;
- Электр чойнақлари (Россия);
- 0 дан 100 гача кабел муфтлари;
- УК қутилари;
- Адаптерлар. (телефон розеткалари);

• 16 мм ва 32 мм.ли арматуралар, металл ёядиган фондди 63х63 ҳажмдаги бурчаклар.

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент шахри, Фаргона йўли кўчаси, 15-уй.
Телефонлар:
(371) 191-65-10,
191-23-64.
Факс:
(371) 136-36-27.

КОРОВУЛ ЎҒРИ БЎЛСА...

Режабали Бўриев қоронғи тушиши билан Мадиров ширкат хўжалигига йўл олди. Унинг мақсади кўмбатбахо ҳисобланган кабелни қирқиб олиб, яхшигина текин даромад топиш эди. У хўжалиқнинг 2-бўлими худудидаги симёғочга тортилган 100 метрча 50 жуфтлик кабелни кесиб олишга киришди. Кабел сигналзацияга улангани боис уни икки тарафдан қирқиб олиб кетиш керак. Бу эса анча-мунча вақтни олади. Лекин Режабалининг омади чоғмади. Тросни кабелдан ажратаётганда етиб келган махсус ходимлар барчасига чек қўйди. Сўнг тергов, суд...

Айбдор Р.Бўриев икки йилга ахлоқ тузатиш жазосига ҳукм қилинди, мустақилликнинг ўн йиллиги муносабати билан эълон қилинган амнистия туфайли авф этилди. Линияга етказилган зарар ундириб олинди. Энг ачинарлиси — қонунбузарнинг маҳалла-қўй, қариндош-уруғ, оиласи олдида юзи шувут бўлгани қолди. "Андижон Телеком"нинг

Хўжабод филиали худудига содир этилган ўғирлик шу тарика яқун тоғди.

... Фирма худудига кабел куйдирилганини сезган участка милиционерни бўлим директори М. Остонаевни бундан хабардор қилади. Улар биргаликда ферма қоровули Бахтиёр Узоқовни хижноят устида ушлашди. Сўнг унинг ҳамтовоғи Зафар Хамидов ҳам қўлга олинди. Жиноятчилар Булоқбоши суди томонидан жазога тортилдилар. Бузоқнинг югургани сомонхонагача, деб шунга айтсалар керак-да.

Андижон вилояти алоқачиларининг ИИБ органи ва боғхона ходимлари билан яқиндан ҳамкорлик қилаётгани яхши самара бермоқда. Тармоқда содир бўлаётган ўғирликлар ўз вақтида аниқланиб, тегишли чора-тадбирлар қўлланилиши натижасида қонунбузарликларнинг сони сезиларли камаймоқда.

Р. УЗОҚОВ, Андижон вилояти

•Алоқа матбуот кўзгусида
ЭРКАТОЙЛАР КЎПАЙМОҚДА
 Оксфорд университетининг олимлари бонг урмоқдалар:
 — Бизга “сотовой” телефонларнинг кераги йўқ! Ўсмирларимиз тарбияси бузилмоқда!
 Олимлар ҳақ эканлиқларини исботлашди: ҳақиқатан ҳам ўсмирларга ота-оналари томонидан совға қилинган бундай телефонлар Буюк Британияда кўпайиб кетган. Бу эса ёшларни телефон орқали “эркин” гаплашишларига имконият яратмоқда. 87 фоиз ўсмирларда уяли телефон бор. Яна 10-15 йилдан кейин эркатойлар сони ортиб, ота-оналар бошига ташвиш ёғилиши турган гап дейишмоқда олимлар.

ТАБРИКЛАЙМИЗ!
 “Хоразм Телеком” АЖ ҳамда “Қашқадарё почтаси” АЖ Косон филиали жамоаси ходимлари “Хоразм Телеком” АЖ техник директори **Оллоберган МАТНИЁЗОВ**ни 60 ёшга тўлиши муносабати билан чин дилдан табриклайди. Унга узоқ умр, соғлиқ, оилавий хотиржамлик ва ишларида ривож тилайди.

“Қорақалпоқ почтаси” АЖ Бериуний филиали жамоаси корхона директори **Рустам ҚОДИРОВ**ни муборак 60 ёши билан самимий қўтлайди. Унга тани сўхатлик, алоқа соҳасидаги ишларида улкан зафарлар ёр бўлишини тилаб қолади.

“Фаргона почтаси” АЖ Ровон филиали жамоаси корхона директори **Зоҳиржон ЮСУПОВ**ни тугилган куни билан табриклайди. Унга сўхат-саломатлик, ишларида омад тилайди.

“Андижон Телеком” АЖ ҳамда вилоят алоқа ходимлари бирлашган касабга уюшма кўмитаси жамоалари корхонанинг Андижон шахар филиали 25-АТС электромеханиги **Василя ШАЦКАЯ**ни 50 ёшга тўлиши муносабати билан қизгин табриклайди. Унга мустаҳкам соғлиқ, ишларида муваффақиятлар ва оилавий бахт тилайди.



ДУШАНБА, 17

«Ўзбекистон» телеканал

Телеомашинлар дўстлари! Профдизанга муроабил билан...

15.00 «Отин тож». Телевизион уйин. 15.25 «Туртинчи хокимият». 15.45 «Келинхона»...

«Ёшлар» телеканал

8.55 Курсувлар дастури. 9.00 «Давр давр»...

«Тошкент» телеканал

17.15 Курсувлар тартиби. 17.20 Болажонлар экрани...

«Халқаро» телеканал

15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНЕСИ 16.00 Курсувлар тартиби...

«Тошкент» телеканал

17.15 Курсувлар тартиби. 17.20 Болажонлар экрани...

«Халқаро» телеканал

15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНЕСИ 16.00 Курсувлар тартиби...

Кундузги санъат: «Тўлқинчи хона». Бадий фильм...

«Ёшлар» телеканал

8.55 Курсувлар дастури. 9.00 «Давр»...

«Тошкент» телеканал

17.15 Курсувлар тартиби. 17.20 ТВДА сериал...

«Халқаро» телеканал

15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНЕСИ 16.00 Курсувлар тартиби...

«Тошкент» телеканал

17.15 Курсувлар тартиби. 17.20 Болажонлар экрани...

«Халқаро» телеканал

15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНЕСИ 16.00 Курсувлар тартиби...

«Тошкент» телеканал

17.15 Курсувлар тартиби. 17.20 Болажонлар экрани...

Хужжатли сериал. 11.10 Мусликй лавлар...

«Тошкент» телеканал

17.15 Курсувлар тартиби. 17.20 ТВДА сериал...

«Халқаро» телеканал

15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНЕСИ 16.00 Курсувлар тартиби...

«Тошкент» телеканал

17.15 Курсувлар тартиби. 17.20 ТВДА сериал...

«Халқаро» телеканал

15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНЕСИ 16.00 Курсувлар тартиби...

«Тошкент» телеканал

17.15 Курсувлар тартиби. 17.20 Болажонлар экрани...

«Халқаро» телеканал

15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНЕСИ 16.00 Курсувлар тартиби...

интервью. 19.55 Жараён. 20.25, 21.15, 22.35 Эълонлар...

«Тошкент» телеканал

17.15 Курсувлар тартиби. 17.20 ТВДА сериал...

«Халқаро» телеканал

15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНЕСИ 16.00 Курсувлар тартиби...

«Тошкент» телеканал

17.15 Курсувлар тартиби. 17.20 ТВДА сериал...

«Халқаро» телеканал

15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНЕСИ 16.00 Курсувлар тартиби...

«Тошкент» телеканал

17.15 Курсувлар тартиби. 17.20 Болажонлар экрани...

«Халқаро» телеканал

15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНЕСИ 16.00 Курсувлар тартиби...

дастури. 18.45 ТВДА сериал: «Селеста, ҳамма Селеста»...

«Халқаро» телеканал

17.15 Курсувлар тартиби. 17.20 ТВДА сериал...

«Тошкент» телеканал

17.15 Курсувлар тартиби. 17.20 ТВДА сериал...

«Халқаро» телеканал

15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНЕСИ 16.00 Курсувлар тартиби...

«Тошкент» телеканал

17.15 Курсувлар тартиби. 17.20 Болажонлар экрани...

«Халқаро» телеканал

15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНЕСИ 16.00 Курсувлар тартиби...

«Тошкент» телеканал

17.15 Курсувлар тартиби. 17.20 Болажонлар экрани...

«Курсувлар тартиби». 18.35 «Бинарша»...

«Халқаро» телеканал

17.15 Курсувлар тартиби. 17.20 ТВДА сериал...

«Тошкент» телеканал

17.15 Курсувлар тартиби. 17.20 ТВДА сериал...

«Халқаро» телеканал

15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНЕСИ 16.00 Курсувлар тартиби...

«Тошкент» телеканал

17.15 Курсувлар тартиби. 17.20 Болажонлар экрани...

«Халқаро» телеканал

15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНЕСИ 16.00 Курсувлар тартиби...

«Тошкент» телеканал

17.15 Курсувлар тартиби. 17.20 Болажонлар экрани...



ЯКШАНБА, 23

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00 - 8.35 «Ахборот»...

«Ёшлар» телеканал

8.55 Курсувлар дастури. 9.00 «Давр»...

«Тошкент» телеканал

17.15 Курсувлар тартиби. 17.20 Болажонлар экрани...

«Халқаро» телеканал

15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНЕСИ 16.00 Курсувлар тартиби...

«Тошкент» телеканал

17.15 Курсувлар тартиби. 17.20 Болажонлар экрани...

«Халқаро» телеканал

15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНЕСИ 16.00 Курсувлар тартиби...

«Тошкентда гапирмиз ва кўрсатмиз» теледустрдан олинди.

ШАЙХ, ХИЗМАТЧИ ВА ЯХШИ ОҚИБАТ

Рамазон ойида бир олис қишлоқ мусулмонлари замонасининг шайхларидан бўлган Иброҳим Ҳаққий ҳазратларини суҳбатта таклиф қилишди. Шайхни олиб келиш учун бир ғайридин хизматчига озорок пул ва от беришиб, ҳузурларига юборилди. Иброҳим Ҳаққий ҳазратлари хизматчи билан йўлга чиқдилар. От битта бўлгани туфайли шайх навбатма-навбат минишни буюрдилар.

Хизматчи:
— Қишлоқдагилар эшитишса, менга озор беришади, хизмат ҳаққимни ҳам тўлашмайди, — деб эътироз билдирди.

Шайх эса:
— Ўйим, сўнгги нафасда ҳолимиз не бўлиши бизга номаълум. Сиз қишлоқдагиларнинг озорлашидан хавотирдасиз, мен эса Аллоҳ ҳузурдаги буюк ҳисоб кунидан кўркаман, — дедилар.

Қарангки, қишлоққа етиб келганларида отга миниш навбати хизматчи эди. Хизматчи эҳтиром билан

навбатини шайхга беришга интилса ҳам Иброҳим Ҳаққий ҳазратлари "Сизнинг навбатингиздир", деб отнинг олдида юриб қишлоққа кирдилар.

Халқ бу ҳолатни кўргач:
— Вой уятсиз, ёш бўлсанг ҳам, ўзинг отга миниб, мўйсафид устозни пиёда қўйдингми? Шуми садоқатинг? Биз сени шунинг учун юбордикми? — деб хизматчини озорлашга тушди. Шайх бу ҳолга изоҳ бергач, бас қилишди. Шунда бир киши хизматчига:

— Эй инсон! Шу қадар фазилатни кўрдинг, энди мусулмон бўларсан, — деди.

Хизматчи бир оз жим туриб, қишлоқ аҳлига шундай сўз айтди:

— Мен шу муборак зотнинг динига ярим йўлдаёқ имон келтириб бўлганман.

Фатҳиддин МАНСУР таржимаси

ЯРАТГАННИНГ УЛУҒ НЕЪМАТИ

Аллоҳ таолога ҳисобсиз шукроналар бўлсинки, барчамиз баракот ва фазилатлари билан ойлари-нинг энг улуғи—Рамазони шариф рўзасини тутмоқдамиз, катта байрам — Рамазон ҳайитини интиқ кутмоқдамиз.

Яратганнинг барча амрлари каби рўза тутишда ҳам инсонларнинг ўзлари учун беҳисоб манфаатлар мавжуд. Аввало, мўмин рўза тутиш орқали Аллоҳ таолонинг ҳукмини адо этади. Унинг розилигини топади. Ўттиз кун рўза тутган киши амалда очлик машаққатини ўз жисмида синаб кўради. Напжала, унинг қалбида фақир, мискин кишиларга нисбатан раҳм-шафқат уйғонади. Бу эса ўз навбатида инсонлар ўртасида меҳр-оқибат туйғусининг кучайишига сабаб бўлади. Нафсни тийиш инсонда сабр-қаноат туйғусини тарбиялайди. Ибодат, риёзат ҳам қалбни, ҳам руҳни турли иллатлардан тозалайди, маънавиятни юксалтиради.

Барча улуғларимиз Рамазон ойида аввалгидан-да сахий, ҳар қачонгидан ҳам меҳрибон ва олийжаноброқ бўлганлиги маълум. Бу муборак ойида айниқса Пайғамбаримизнинг (с.а.в.) саховатлари дараёлай жўш урган.

Тарихчи Хондамирнинг ёзишича, Ҳазрати Навоий ҳам "Рамазон

ойида ҳайрот ва садақанинг миқдорини имкон борича орттиришга тиришган. Ҳар кечаси улуғ саййилар, замон олимларидан кўпгина киши ул зот ҳузурда ифтор қилишарди.

Ул ҳазрат меҳмонларни рияз қилиб, овқатни ўзлари тортарди. Шундан кейингина сахий қўлини таом ейишга узатарди...

Рамазон ойида то ҳайит намози ўқилгунга қадар ўзига тўқ мусулмонларнинг муҳтож ва ҳождатманларга фитр садақаси бериши вожиб амаллардандир. Бунинг ҳикмати—улуғ Ҳайит айёми арафасида мискинлар, бева-бечораларнинг қалбларига қувонч бахш этиш, уларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, одамлар ўртасида меҳр-муруват туйғуларини уйғотишдир.

Аллоҳга шукрлар бўлсин, истиқлол шарофати билан маънавий-руҳий покланиш оғи Рамазон ҳайитини муносиб кутиб олиш имкониятига эга бўлдик. Бу нарса Яратганнинг улуғ неъматидир. Муборак ҳадиси шарифда зикр этилгандек: "Берилган неъматлар учун шукр айтиш ушбу неъматларнинг зиёда бўлишига сабаб бўлади".

Нурбой АБДУЛ ҲАКИМ,
Ўзбекистон Миллий университетининг доценти

ҲАЙИТ ТАВРИГИ

Кўҳна чархга келди ғийд, еру осмон қувнасин.

Яшнасин озурда руҳ, танда бу жон қувнасин.

Нури раҳматга қониб мағфират дарёсида,

Ҳар мўмин оташ-оловдан омон-омон қувнасин.

Жам бўлиб, бирдам бўлиб Ҳаққа қилурмиз саждалар,

Ер юзи улкан намозгоҳ хатми Қуръон қувнасин.

Бул қувонч мавжида нур меҳру шафқат жоласи,

Ки юраклар бўлса ҳам зору нолон, қувнасин.

Икки олам ҳукмидур Ҳақ-ботилни ажратур,

Ҳайдасин зулматни қалбдан нури Фурқон қувнасин.

Тун-сахар, тонглар ёруғ гулдек очилсин эртамин,

Қадр кучган ҳар кўнгил боғида имон қувнасин.

Абдул ЖАЛИЛ

"Ҳидоят" журнали материаллари асосида
А. ХЎЖАМОВ тайёрлади

ПАЙҒАМБАРИМИЗ НАСИҲАТЛАРИ

Ҳар бир нарсанинг калити бор. Жаннатнинг калити — мискин фақирларни севишдир.

Одамлар билан муросяю мадорада бўлиш ҳам садақа ҳисобланур.

Кишининг бемаъни гаплардан тилини тийиши унинг мўминлиги нақадар чиройли эканлигидан дарақ беради.

Бойлик молу дунёнинг кўплиги билан эмас, балки нафснинг тўқлиги биландир.

Тангрининг наздида тўғри сўздан ортиқ садақа йўқдир.

Кимки ота-онасининг розилигини олган бўлса, унга қандай яхши: Тангри унинг умрини узайтиради.

Енглар, ичинглар, садақа қилинглар, аммо исрофгарчилик ва фахр(мақтаниш)га ўтманглар.

Дилозорларнинг ҳаммаси дўзахга маҳкумдир.

Рўза фақатгина ейиш-ичишдан сақланиш билан эмас, балки беҳуда, беъмани ва ёмон сўзлардан сақланиш биландир. Агар бирор киши сени сўкса, сен унга: "Мен рўза-дорман", деб уэр айтгин.

Ёнида қўшниси оч туриб, ўз қорнини тўйгазиб юрадиган одам мўмину комил эмас.

Банданинг савоб тарозусида яхши хулқдан оғирроқ амал йўқдир. Унинг даражаси ҳатто намоз ва рўзанинг даражаси билан баробардир.

Кимки кичикларга раҳму шафқатли, катталарга иззат-икромли бўлмаса, у мўмин эмасдир.



Шу кунларга етказганига шукур!

БУ — ҚИЗИҚ!

ЁНМАЙДИГАН ДАРАХТ

Баобаб дарахти 4-5 минг йил яшаса-да, бўйи атиги 18-25 метр бўлади. Лекин танасининг йўғонлиги айланасига 25 метргача етади. Унинг танасини қучоқлаб кўриш учун бутун бир синф ўқувчилари бир-бирлари билан қўл ушлашлари керак. Африкада яшовчилар "Баобаб улкан дарахт, лекин ундан хатто кичиккина гулхан ҳам ёқиб бўлмайди", дейдилар.

Бу қанақаси бўлди? Ахир, шундай улкан дарахтдан қанча ўтин тайёрлаш мумкин! Тўғри, ўтин тайёрлаш мумкин-а, лекин баобаб ёғочи ёнмайди-да.

Бу дарахтнинг ўзига хос бошқа хусусиятлари ҳам бор. Масалан, баобаб барглари қишда эмас, балки ёзда тўкилади. Баобаб ўсадиган Африкада ёз жуда иссиқ бўлади. Дарахт барглари эса намни буғлатади. Баобаб танасидаги намни кўп йўқотмаслик учун иссиқда барглари тўқиб юборади. Қишда эса ёмғир даври бошланиши билан яна панжасимон барглари диаметри 20 сантиметрли, йирик, оқ гуллар билан бурканади.

Баобабнинг меваси бодринга ўхшаш узунчоқ, эти ширали ва хушхўр бўлиб, уни истеъмол қилиш мумкин.

Тошкент электротехника алоқа институти жамоаси Телекоммуникациялар лицей-интернати директори Нодир Хўжаевга рафиқаси Мавлуда ХЎЖАЕВАНING бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

МУАССИС:
Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги

Бош муҳаррир:
Шодмон ОТАБЕК

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:
Шомансур ОБИДХЎЖАЕВ
Шухрат ЖАББОР
Анатолий КУДИНОВ
Иззат АҲМЕДОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Мирпўлат МИРЗО
Рустам ҚОСИМОВ
Қуролбой ТЎЛЕБОВ
Ёқубжон ХЎЖАМБЕРДИ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Саидмаҳмуд АКБАРОВ
Шохрух АКБАРОВ
Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ
Меҳмонқул ИСЛОМҚУЛОВ
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ
Бобоҳон ШАРИФ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000,
Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.



ТЕЛЕФОНИМИЗ:
136-36-42, 136-35-29,
144-29-09.
Факс: 136-36-42.
ИНДЕКС: 64600
ЖУМА КУНЛАРИ
ЧИҚАДИ

Тахририятга келган қўл-ёзмалар (2 ораликда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақола-лардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00011 рақам билан рўйхатга олинган.

Буюртма № Г-3139.
4482 нусхада чоп этилди.

Офсет усулида босилди.

Бичими А-3, ҳажми 1 босма табок.

Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ БОСМАХОНАСИ.

Манзили:
Тошкент шаҳри,
«Буюк Турон» кўчаси,
41-уй.

Босишга топширилди — 18.00
Босишга топшириш вақти — 18.00